**Автомобил газини қуйиш компрессор станциясида сиқилган табиий газ етказиб бериш бўйича**
**_5_ - сонли ШАРТНОМА**

"_28_" _январь_ 2022 йил Учкўприк шахарчаси.

Бир томондан, Низом асосида харакат қилувчи бундан кейин матнда "Етказиб берувчи" деб юритилувчи, **"NURAFSHON METAN SAVDO" МЧЖ**, директори Э.Исақов ва иккинчи томондан _Бувайдо туман Тиббиёт бирлашмаси_
(ташкилот ва муассаса номи)
бундан кейин матнда "Истеъмолчи" деб юритилувчи, Низом асосида харакатланувчи _Устов Б. Маматонов_, ушбу шарномани қуйидагилар ҳақида тузишди:

**1.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. "Етказиб берувчи" маҳсулотларни етказиб беришни ва истеъмолчи ўз вақтида қабул қилиб тўловни амалга оширишни ўз зиммасига олади:

| Маҳсулот номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | $м^3$ нархи (сўм) | Жами бир йилга етказиб бериш |
|---|---|---|---|---|
| Сиқилган табиий газ | $м^3$ | 1350 | 2800 | 3780000 |

1.2. Етказиб бериш автомобил газ қуйиш компрессор станцияларида (АГТКШ) ўзи олиб чиқиб кетиш шарти билан, "Истеъмолчи" нинг автотранспорт воситаси газ баллонларини тўлдириш йўли билан амалга оширилади.
1.3. Етказиб бериш санаси деб – "Истеъмолчи" нинг транспорт воситаларига ёқилғи қуйиш санаси деб ҳисобланади.
1.4."Истеъмолчи" га қуйилаётган сиқилган табиий газ миқдори "Етказиб берувчи" нинг ўлчов ускуналари билан аниқланади ва қайдномаларда қайд этилади.
1.5. "Етказиб берувчи" "Истеъмолчи" га маҳсулотни "Истеъмолчи" нинг автомобилини АГТКШда "Истеъмолчи" вакилининг ваколатини тасдиқловчи қайднома ва ишончнома асосида ўтказиб бериш йули билан амалга оширади.
1.6.Қайдномалар ўзаро ҳисоб-китоб учун асос деб ҳисобланади ва икки нусхада расмийлаштирилади. Ҳар бир ёқилғи қуйиш миқдори ва қиймати, ёқилғи қуйиш қайдномасида хайдовчи ва ёқилғи қуювчи имзо билан кўрсатилади.

**2.ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ**

2.1.Шартноманинг умумий қиймати уни тузиш пайтида _Уч миллион етти юз саксон минг_ сўмни ташкил этади ва "Етказиб берувчи" томонидан бир томонлама тартибда ҳом-ашёнинг, материалларнинг, ёқилғи-энергетика ресурсларининг, ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари ва норматив актлари ўзгариши туфайли ҳамда таъсисчиларнинг йиғилиш қарорига асосан ўзгартирилиши мумкин.
Шартноманинг ҳақиқий миқдори шартнома муддати тугагунига қадар ёқилғи қуйиш рўйхатларига мувофиқ шартнома муддатининг якунига қадар қуйилган газ миқдоририга тенгдир.
2.2. Етказиб берилган маҳсулот учун тўлов, етказиб бериш (қуйиш) кунидаги амал қилувчи нархлар асосида амалга оширилади.
2.3.Маҳсулотни етказиш (қуйиш) тарқатиш қайдномасига асосан, белгиланган тартибда "Етказиб берувчи" нинг хисоб рақамига пул ўтгандан кейин ва тўлов ҳисоби олдиндан 100 фоизга тўлдирилгандан кейин амалга оширилади. Якуний тўлов "Истеъмолчи" томонидан амалдаги ойнинг ҳар 25 кунидан кечикмаган ҳолда амалга оширилади.
2.4.Томонлар ҳар чоракда солиштириш далолатномаларини расмийлаштирган ҳолда ҳисобларни солиштиришади. Календар йили тугаши билан "Етказиб берувчи" ва "Истеъмолчи"томонидан сотилган газ хажми ва у учун амалга оширилган тўловлар аниқланиб, солиштириш далолатномаси тузилади.

**3.ТОМОНЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. "Истеъмолчи" газ балони ускуналари билан жихозланган транспорт воситаларининг техник хавфсизлиги ва техник холати, шунингдек ёнғин, санитария ва экологик хавфсизликка риоя қилиш учун жавобгардир.
3.2."Истеъмолчи" нинг мажбуриятлари:
а) сиқилган табиий газдан фойдаланиш ва автомобилнинг газ балон ускунасини ишлатиш бўйича амалдаги қоидалар, техник шартлар, қўлланмалар, кўрсатмаларини ва қоидаларга риоя қилиш;
б) автомобилнинг газ балон ускунасини ва моддий қисми холатини яроқли холатда сақлаш;
в) техник холати, балонлар сони ва геометрик хажми ҳақида йўл варақасида белги қўйиш;
г) белгиланган тартибда автомобилга газ қуйишга рухсат олиш;
д) баллоннинг умумий, геометрик хажмининг қийматини 0,5 аниқлик билан автомобилнинг техник паспортига (махсус иловага), шунингдек махсус жадвалда ва автомобил қисмларида ёзиб қўйиш.
3.3. "Етказиб берувчи" нинг мажбуриятлари:
а) автомобил газ ускуналаридан, назорат-ўлчов қурилмаларидан ва қулфлаш арматураларидан фойдаланишнинг тўғрилигини текшириш;

б) ҳайдовчида сиқилган табиий газ билан ишлайдиган транспорт воситасини бошқариш учун гувоҳнома, ёқилғи қуйиш учун рухсатнома ва йўл варақаси мавжудлигини текшириш;
в) агар истеъмолчи (истеъмолчилар ходимлари) белгиланган ҳуқуқларга, ёқилғи қуйиш қоидаларига ва ушбу шартноманинг шартларига риоя қилмаса, сиқилган табиий газ билан ёқилғи қуймаслик.

## 4.ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1.Томонлар ушбу шартномада назарда тутилган мажбуриятларинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгардирлар.
4.2. Ушбу битим шартларини бузганликлари учун томонлар хужжатлаштирилган зарарни амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда қоплайдилар.
4.3. Агар истеъмолчи ушбу шартномада белгиланган етказиб бериладиган маҳсулотлар учун тўлов шартларини бузган бўлса (2,3 банд), у ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома шартлари бўйича тўлаш учун зарур бўлган сумманинг 0,1 % миқдорида жарима тўлайди.
4.4. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганликлари ёки тегишли равишда бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинади, агар ушбу мажбуриятларни бажармаганлик (тегишли равишда бажармаганлик) форс-мажор холатлари туфайли келиб чиққан бўлса.
4.5.Етказиб берувчи учун фавкулотда характердаги холатларга (форс-мажор) қуйидагилар киради:
а) магистрал газ қувурларида, шахар газ ва электр тармоқларида авариялар, олдиндан кўриб бўлмайдиган вазиятларнинг вужудга келиши;
б) ёнгинлар, зилзилалар, тошкинлар ва бошка табиий офатлар;
в) магистрал газ қувурлари, газ ва электр тармоқларини капитал таъмирлаш, шу ишлар билан боғлиқ синовлар, шунингдек пайвандлаш пайтида;
г) қишки мавсумда ёқилғини навбатсиз қуйиш мажбуриятини зиммамизга олмаймиз.

## 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1. Ушбу шартномада назарда тутилмаган масалалар бўйича, томонлар Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг 23.01.2010 йил 2072-сонли "тарқатиш ведомостлари ва лимит дафтарчалари бўйича автотранспорт воситаларига ёқилғи қуйиш учун нефт маҳсулотлари, суюлтирилган ва табиий газни бериш тартиби" хақидаги қоидаларига, ҳамда амалдаги конунчиликка асосланишади.
5.2. Ушбу шартномадан келиб чиқадиган ёки унга боғлиқ равишда юзага келадиган барча низолар, келишмовчиликлар ёки даъволар, шу жумладан унинг бажарилиши, бузилиши, бекор қилиниши, ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши билан боғлиқ масалалар, Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда Фарғона вилояти иктисодий суди томонидан хал қилиниши керак.

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Ушбу келишув "__28__" __01__ 2022 йилда "31" Декабр 2022 йилгача амал қилади.Ушбу шартнома кейинги календар йилига томонларнинг ҳеч бири, шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан 20 (йигирма) кун олдин, бошқа томонга шартнома бекор қилиш тўғрисида ёзма равишда хабар бермаслик шарти билан узайтирилиши мумкин.

## 7. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

7.1. Реквизитлар ўзгартирилганда, томонлар уч кун ичида бир-бирларига бундай ўзгаришлар тўғрисида хабар бериш мажбуриятини оладилар. Акс ҳолда, охирги маълум бўлган манзилга юборилган хабарлар тегишли тартибда жўнатилган деб ҳисобланади.
7.2. Ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўтказилиш, шу жумладан ушбу шартномага биноан даъво ҳуқуқининг бир томондан берилиши фақат бошқа томоннинг ёзма розилиги билан амалга оширилиши мумкин.
7.3. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгаришлар ва қўшимчалар, улар ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатга эга вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади.
7.4. Ушбу шартнома икки нусхада ўзбек тилида тузилган, томонларнинг ҳар бири учун биттадан, иккала нусхаси бир хил ва тенг қонуний кучга эга.

## 8. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

**"Етказиб берувчи"**

**"NURAFSHON METAN SAVDO" МЧЖ**
Фарғона вилояти Учкўприк тумани
Учкўприк шахарчаси Х.Олимжон кўчаси
Ҳ/р: 20 20 80 00 30 06 05 52 20 01
АТБ "Трастбанк" Фарғона филиали
МФО: 01123 ИНН: 303 885 352
Тел.: 97 33 44 888

Директор: Э.Исақов.

**"Истеъмолчи"**

Бувайда ТТБ
Копашак кўчаси 103
х/р 23402000300100001010
Марказий банк Тошкент
МФО: 00014
ИНН: 200162370
шв: 40032286030212707310105400
ОКОНХ: 91511

Раҳбар: Б. Мамашонов

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

# ЛИЦЕНЗИЯ

АВ № 3256

Мазкур лицензия билан "NURAFSHON METAN SAVDO" масъулияти чекланган жамияти
(лицензия эгасининг тўлиқ номи)
га

Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, Учкўприк шаҳарчаси, Х. Олимжон кўчасида жойлашган АГТКШ орқали сиқилган табиий газни сотиш
(рухсат этилган фаолият тури)
билан

шуғулланишга рухсат этилади.

Лицензия эгасининг жойлашган жойи (почта манзили): Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, Учкўприк шаҳарчаси, Х. Олимжон кўчаси

Лицензия эгасининг солиқ тўловчи сифатидаги идентификация рақами: 303 885 352

Лицензия берилган сана: 2017 й. 29 июнь

Лицензиянинг амал қилиш муддати: беш йил

Реестр бўйича тартиб рақами: № 2696

Ваколатли шахс: Г. Ибрагимов (исми шарифи, фамилияси) ____ (имзоси)

М.Ў.

Лицензиянинг амал қилиш муддати ____ й. ____ гача узайтирилди.

Ваколатли шахс: ____ (исми шарифи, фамилияси) ____ (имзоси)

М.Ў.

Лицензиянинг амал қилиш муддати ____ й. ____ гача узайтирилди.

Ваколатли шахс: ____ (исми шарифи, фамилияси) ____ (имзоси)

М.Ў.

"DAVLAT BELGISI" DICHB TM

---

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МИЛЛИЙ ТИЗИМИ

"GAZ ANALITIK SERVIS" МЧЖ ҳузуридаги маҳсулотларни сертификатлаштириш органи, UZ.AMT.06.MAI.357. Наманган шаҳри, Тўқимачилар кўчаси, 4-уй. Телефон: 69-232-49-96
(Сертификатлаштириш идораси номи, манзили, Давлат реестридаги рақами)

№ 2442571

# МУВОФИҚЛИК СЕРТИФИКАТИ

"27" август 2020 йилдан UZ.SMT.01.357.50762986 сон билан Давлат реестрида рўйхатга олинган.

Амал қилиш муддати "27" август 2023 йилгача

ТИФ МН коди 2711210000 (маълумот учун)

Ўзбекистон Республикаси, "NURAFSHON METAN SAVDO" МЧЖ АГТКШ
(корхона, фирма, ишлаб чиқарувчи мамлакат)

Ушбу сертификат тасдиқлайдики, тегишлича идентификацияланган маҳсулот:

"ИЧКИ ЁНУВ ДВИГАТЕЛЛАРИ УЧУН СИҚИЛГАН ТАБИИЙ ГАЗ"

Серияли ишлаб чиқариш
(миқдори ёки серияли ишлаб чиқарилиши) (номи, тури, хили, русуми)

ГОСТ 27577-2000 меъёрий ҳужжат талабларига мувофиқдир.

Сертификатлаштириш схемаси: 3 (уч)

Буюртмачи (тайёрловчи, сотувчи) "NURAFSHON METAN SAVDO" АГТКШ
(кераги тагига чизилсин)

Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Учкўприк тумани. Учкўприк шаҳарчаси, Х. Олимжон кўчаси.
(манзил)

Сертификатга асос бўлган:

а) ҳужжатлар Сертификатлаштириш органининг мувофиқлик сертификати бериш тўғрисидаги №75-сонли қарори 27.08.2020 йилдан

б) намуналар синови UZ.AMT.07.MAI.973. "GAZ ANALITIK SERVIS" МЧЖ ҳузуридаги АСЛда ўтказилди. Синов баённомаси №С/75 26.08.2020 йилдан.

в) ишлаб чиқаришни текшириш далолатномаси Далолатнома №75 27.08.2020 йилдан

Инспекцион назоратни Бир йилда бир марта даврийлик билан амалга оширади.

Алоҳида ёзувлар: Ушбу мувофиқлик сертификати тайёрловчи томонидан технологик регламент ва меъёрий ҳужжат талабларига риоя этилганда ҳақиқий ҳисобланади.

Мувофиқлик белгиси қўйилади ҳамда кузатув ҳужжатларига

Илова: Мувофиқлик сертификатининг нусхаси фақат сертификатлаштириш бўйича идора ёки асл нусха эгаси томонидан муҳр билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Сертификатлаштириш идораси раҳбари ____ (имзо) Д. Рафикжонов (Ф.И.О.)

Эксперт ____ (имзо) Х. Ходжаев (Ф.И.О.)

000177

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"NURAFSHON METAN SAVDO" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"NURAFSHON METAN SAVDO" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

17.04.2017 91-1 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 303885352

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Farg`ona viloyati, Uchko`prik tumani, Uchko`prik, Хамид Олимжон кўчаси ,

Guvohnoma: Farg`ona viloyati, Uchko`prik tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

## ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ ТЎЛОВЧИСИ СИФАТИДА РЎЙХАТДАН ЎТГАНЛИК ТЎҒРИСИДА

## Г У В О Ҳ Н О М А

Ушбу Гувохнома қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтганлигини ҳамда рўйхатдан ўтиш коди берилганлигини тасдиклайди.

СОЛИК ТЎЛОВЧИ НОМИ:

ООО "NURAFSHON METAN SAVDO"

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ИДЕНТИФИКАЦИЯ РАҚАМИ:

303885352

ПОЧТА МАНЗИЛИ:

УЧКУПРИКФЕРГАНСКАЯ ОБЛАСТЬ, УЧКУПРИКСКИЙ РА

РЎЙХАТДАН ЎТИШ КОДИ:

330180011294

РЎЙХАТДАН ЎТИШ САНАСИ:

22.11.2018

ектрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, ҳужжат коди: HU1768866485

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA XULOSA

1. **Loyiha turi va soni:** Shartnoma № 5

2. **Loyihaning nomi**: Avtomobil gazini quyish kompressor stansiyasida siqilgan tabiiy gaz yetkazib berish bo'yicha

**"NURAFShON METAN SAVDO" MChJ** bilan Buvayda tumani Tibbiyot birlashmasi o'rtasida Tibbiyot birlashmasiga 2022 yil davomida umumiy qiymati 3780000 so'm (uch million yetti yuz sakson ming so'm) siqilgan gazni avtotransport vositasi gaz ballonlarini to'ldirish yo'li yetkazib berish to'g'risida.

3. **Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:**

Loyiha tuman Tibbiyot birlashmasi tomonidan 31.01.2022 yil kuni huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun yuborilgan.

Shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi, "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlarning shartnomaviy munosabatalari to'g'risida"gi,O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 27 sentabrdagi PQ-3953-sonli qarori bilan tasdiqlangan "Davlat xaridlari to'g'risida"gi qonunlariga asosan ishlab chiqilgan va uning qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022 yil 31 yanvar

Yuridik xizmat ko'rsatish
bosh yuriskonsulti SH.V.Abduraximov